1998 ЙИЛ — ОИЛА ЙИЛИ

Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало кўз ўнгимизда она сиймоси шаклланади. Нима деганда оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил — она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру мурувватн, садоқати ва вафодорлигидир.

Инсон табиати, феъл-атвори гўдаклигидан шаклланар экан, миллий дунёқараш ҳам бола вужудига она сути билан киради.

Ислом КАРИМОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 8 декабрь, душанба № 144 (22.227).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Юртимизга ташриф буюрган Руминия ишбилармон доиралари вакилларидан иборат делегация раҳбари — ушбу мамлакат Президентининг шахсий маслаҳатчиси Д. Кэнэцинэ Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Норов билан учрашди.

Мулоқот чоғида томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларга кенг йўл очиш, халқаро ташкилотлар доирасида, шунингдек, транспорт, коммуникация соҳаларидаги бевосита ҳамкорликни равнақ топтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Шу куни делегация аъзолари республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида ҳам бўлдилар.

* * *

Республика Олий суди, Ички ишлар, Адлия, Халқ таълими вазирликлари, телерадиокомпания ва «Камолот» республика ёшлар жамғармаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишлаб, мамлакатимиз мактабларининг юқори синф ўқувчилари орасида «Қонунни биласизми?» деб номланган танлов ўтказилмоқда.

* * *

Республика Марказий банкида жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш институти билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда молия тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. Иштирокчилар молия тизимини ислоҳ қилиш ва банк тизимини қайта ташкил этиш, ўтиш даврида молия бозорларини аҳамияти, банк назорати, банкларда бухгалтерлик ҳисобини ислоҳ қилиш муаммоларини таҳлил этиб, бу борада дунё банки ва молия тизимида тўпланган тажрибалар билан танишдилар.

* * *

Бухорода бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси истеъмол бозори комплексининг сайёр мажлисида аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашда камчиликларга йўл қўйилаётгани, йилни муваффақиятли якунлаш ва аҳолини зарур эҳтиёж моллари билан узлуксиз таъминлаш учун барча имкониятларни ишга солиш таъкидланди.

* * *

Пойтахт вилоятида республика Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури тўғрисида» шу йил февраль ойида қабул қилган қарорининг яна бир муҳим банди бажарилди. Мавжуд 889 мактабнинг деярли 34 минг нафар бошланғич синф ўқувчиси қишки кийим бош билан таъминланди.

* * *

Кейинги йилларда қуёш энергиясидан фойдаланилган ҳолда иссиқлик таъминоти тизимларига эҳтиёж ошиб бормоқда. Пойтахтда ўз ишини бошлаган «Араббой» муҳандислик тармоқлари фирмаси томонидан ташкил этилган доимий кўргазмада ана шу тизимнинг имкониятлари ва хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотлар олиш мумкин.

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ — МИЛЛАТ ФАРОВОНЛИГИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Муҳтарам дўстлар!

Азиз юртдошлар!

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларни Ўзбекистон Конституцияси беш йиллиги билан табриклаб, сизларга ўзимнинг самимий ҳурматимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Бугун ҳаётимиз Қомуси — давлатимиз Конституциясини таърифлаш, унинг ютуқлари, жамиятимиз ва бевосита ҳар биримизнинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида сўзлаш айни муддаодир.

Дарҳақиқат, бизнинг илғор ва бетакрор Конституциямиз билан, унинг ўз миллий анъаналаримизга, миллий табиатимизга ва бугунги жаҳон эришган ютуқларга, андозаларга муносиблиги билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Лекин, менинг фикримча, биз ана шундай олижаноб Конституциямиз нима учун бугунги ҳаётимизда тўлиқ ифодасини топмагани, нима учун ана шундай буюк ҳужжатни амалга киритишда баъзида ожиз қолаётганимизни ҳам кўрсатишимиз ва тан олишимиз жоиз бўлур эди.

Бу каби нуқсонларни ҳаммамиз ҳис этиб турибмиз-ку, лекин очиқ айта олмаймиз. Мана, ҳозиргина, минбарда туриб, бир нарсага эътибор бердим. Назаримда, мана шу ҳашаматли залга нимадир, кимлардир етишмаётгандай туюлди.

У ёққа қарасам ҳам, бу ёққа қарасам ҳам фақат эркаклар кўраман, аёллар қани?

Ҳар қандай жамоани, ҳар қайси жамиятни, ҳар қандай муҳитни, авваламбор аёлларимиз обод этади. Аёлларимизнинг бугунги анжуманда кўпроқ иштирок этиши Асосий Қонунимизнинг шаксиз амал этаётганига далил бўлиб хизмат қиларди, анжуман мазмунини янада бойитарди.

Минг афсуски, анжуман ташкилотчилари бу масалага эътибор беришмаган. Мен ўйлайманки, бундан кейин бу масалага алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳар кунлик ҳаётимизда ҳам шунга жиддий эътибор беришимиз зарур. Яна бир бор такрорлаб айтаман, Конституциямизнинг кўп олижаноб томонлари бор. Аммо уни ҳаётга татбиқ этишда, ҳозир кўриб турганимиздек, камчиликларимиз кўп.

Бу камчиликларни биров четдан туриб бизга кўрсатиши шарт эмас. Уларни биз ўзимиз чуқур англаб, ўзимиз негизига, томирига етиб бориб, ўзимиз ҳеч кимдан қўрқмасдан очиқ тан олиб, очиқ гапирсак, мен ўйлайманки, бу бизнинг бағри кенглигимизнинг ва ўз кучимизга ишонганимизнинг яна бир ифодаси, намойиши бўлади.

Бугунги ҳаётимизда нима камчиликлар, қандай ечилмаган муаммолар бор яъни, авваламбор Конституция меъёрлари билан қиёслаганда, қайси масалалар бўйича Конституция талаблари ва кўрсатмалари даражасига биз ҳали етиб борганимиз йўқ!

Буларни ҳам очиқ айтишимиз керак. Агар биз амалда шу тадбирларни юрагимиздан ўтказмасак, ҳаётимизда татбиқ этмасак, Конституция қоғозда қолиб кетаверади. Ўзаро суҳбатларда, торроқ давраларда ошкоралик тўғрисида гапирамиз, матбуот эркинлиги тўғрисида, умуман, жойлардаги тўрачилик, жойлардаги одамларнинг аҳволига бепарволик, порахўрлик, ҳар хил эски замондан қолган сарқитлар ҳақида гапирамиз.

Менинг фикрим, талабим шуки, бу ҳақда катта йиғинларда, мана шундай залларда ҳам, Конституциямизнинг беш йиллигини нишонлаётганда ҳам очиқ ва дадил гапиришимиз зарур. Конституциямиз белгилаб берган демократик адолатли жамият қурмоқчи эканмиз, Конституциямиз моҳияти ва меъёрларига зид бўлган барча иллатлардан халос бўлишимиз керак.

Азиз дўстлар, ватандошлар!

Конституциямизни таърифлаганда нималарга эътибор беришимиз керак? Конституциямизни нима учун биз Асосий Қонунимиз — ҳаётимиз Қомуси деб биламиз?

Нима учун Конституциямиз биз учун, давлатимиз учун, жамиятимиз учун, ҳар қайси инсон учун бизнинг Байроғимиз, бизнинг Гербимиз, бизнинг Мадҳиямиз каби қадрли?

Конституциямизга риоя қилиш ва амал қилиш, нима учун муқаддас бурчимиз бўлиши шарт эканини биз албатта жуда аниқ тасаввур қилишимиз керак.

Авваламбор, бунинг сабаби шуки, халқимиз асрлар, мингминг йиллар давомида адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт қуришни ҳавас қилган, орзу қилган. Конституциямиз шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётни ўзида мужассамлаштирган, унинг шаклини, маънавий қиёфасини кўрсатган.

Иккинчидан, давлатимизни ҳам, жамиятимизни ҳам, ҳар қандай фуқаронинг ҳам ҳуқуқини, ҳам бурчини — ҳаммасини белгилаб берган. Нафақат белгилаб берган, балки уларни — ҳуқуқлар ва бурчларни ҳам бир-бирига уйғунлаштириб, бир-бирига мувофиқлаштириб берган.

Яна бир улуғ томони шундан иборатки, Конституциямиз инсон ҳуқуқи, инсон эркинлигини ўзида муҳрлаб берган ва виждон эркинлиги ва диний эркинлигимизни таъминлаб берган.

Конституциямизнинг биз учун муқаддаслиги яна шундан иборатки, ҳар қандай тараққиёт учун гаров бўлмиш тинчлик, осойишталик, тотув ҳаётнинг асосларини белгилаб берган.

Конституциямизнинг энг муҳим жойи шундан иборатки, у биз ҳаммамиз орзу қилган жамиятга эришиш учун, шундай ёруғ кунларга муносиб бўлиш учун бизлар қандай хусусиятларга эга бўлишимиз кераклигидан сабоқ берувчи улуғ дорилфунун вазифасини ўтайди.

Ўйлайманки, биз Конституциямизни ана шундай нуқтаи назардан ҳам таърифлаши-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига

ИСТИҚЛОЛ ҚОМУСИ

Ватанимиз бугун байрам оғушида. Аҳли — фуқаро дилида кўтаринкилик, хушкайфият кезиб юрибди. Бу — дунё харитасида янги демократик мустақил давлат— Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини қомусий мустаҳкамлаган ҳужжат — мустақил Конституциямиз қабул қилинганлигининг 5 йиллик муборак тўйи туфайлидир.

Ўзбекистон аҳли, бу юрт истиқлолидан дилида хушнудлик ҳис этган инсонлар ушбу муборак санани ҳар қанча эъзозласа арзийди. Чунки бу ҳужжат Ватанимизнинг давлатчилиги тарихида илгари такрорланмаган буюк воқеа эканлигини таъкидламоқ жоиздир.

Тўғри, илгари — собиқ СССР таркибида бўлган давримизда ҳам, расмий ҳужжатларда Ўзбекистонимиз мустақил давлат тарзида эътироф этилган, ўз Конституцияси, давлатчилик рамзлари — байроғи, туғроси, мадҳиясига эга эди. Аммо улар «хўжакўрсинга»гина бўлганлиги, амалда кўринмас иплар билан мустабидлик қўрғони бўлмиш

(Давоми 2-бетда).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Ўтган жума куни Россияда мотам куни эълон қилинган эди. Чунки ўша куни Кемерово вилоятининг «Зиряново» шахтасида метан портлаши оқибатида ҳаётдан кўз юмган 67 кишининг дафн маросими бўлиб ўтди. Айни пайтда бутун Россия бўйлаб ҳалок бўлганларнинг оталари, оналари, аёлларию болаларига ёрдам бериш учун маблағ йиғиш давом этмоқда.

***

«Интернет» ахборот тизимининг хабарларига кўра Тожикистонда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказилган операция пайтида дала командири Резвон Садиров отиб ўлдирилди. Резвон Садиров бир қанча террористик ҳаракатларга даҳлдор бўлиб, икки нафар француз фуқаросини ўғрилашга ҳам алоқадордир. Карин Маннинг ҳалокатига ҳам Резвон Садиров айбдор. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказилган операция жараёнида Р. Садировнинг қўл остидаги ўнлаб жангарилар ҳам қўлга тушди. Жиноятчилардан кўплаб қурол ва гиёҳванд моддалар тортиб олинди.

***

Афғонистонда вазият ҳамон қалтис бўлиб турибди. Бироқ толибларга қарши иттифоқ етакчилари ҳарбий асирларни озод этишмоқда. Улар ўз навбатида толиблар ҳам асирларни озод қилишидан умидвор. Шу боис иттифоқчиларнинг раҳбарларидан бири Аҳмад Шоҳ Масъуд асирликка тушган 50 дан зиёд толибончини озод қилди. Генерал Абдул Рашид Дўстум эса 15 кишини ҳибсдан бўшатди. У умумий миқдорда 200 нафардан зиёд душманни эркинликка чиқарди.

***

АҚШ конгресси Тоғли Қорабоғга 12 миллион доллар ҳажмида қарз беришга қарор қилди.

***

Қирғизистон пойтахти Бишкекда Республика ташқи ишлар вазирлиги томонидан уюштирилган «Марказий Осиёдаги демократик жараёнлар» мавзуида ўтказилган конференция якунланди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 65-МОДДА

Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

КЎЗГА СУРТДИМ УНИНГ ҲАР БОБИН

Тонглар отди,
бир гўзал тонглар,
Қуёшлари бирам чиройли.
Бойчечаклар чиқди ясаниб,
Қуйлаклари юлдузли, ойли.

Эрк қушлари учдилар баланд,
Адолатнинг туғлари бошда.
Булбулларга забон бўлган юрт,
Ёшарди-эй яна минг ёшга.

Майсаларнинг жисми-жонида,
Жило топган дунёлар яшил.
Шабнамларга юзини чайган,
Қутлуғ келди бу гўзал фасл.

Чинорларнинг томирларида,
Жўш ураркан замин нафаси.
Ғофилларни уйғотган еллар,
Кўтардилар ғафлат пардасин.

Толедан хуш насимлар келиб,
Тутқазаркан эркнинг китобин.
Юртим сенинг тупроғинг ўпиб,
Кўзга суртдим унинг ҳар бобин.

Тонглар отди бир гўзал тонглар,
Қуёшлари бирам чиройли.
Бойчечаклар чиқди ясаниб,
Қўйлаклари юлдузли, ойли.

Абдуғаффор ХОЛМАТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ — Нашр индекси

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ — МИЛЛАТ ФАРОВОНЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

миз, улуғлашимиз, уни муқаддас, деб билишимиз даркор.

Бугунги дунёда тараққий топган давлатларни олсак, мана шундай қарашлар ҳамманинг қонига, суягига, керак бўлса, иймон-эътиқодига кириб қолган. Агар биз ҳам улар эришган юқори даражага кўтарилмоқчи бўлсак, авваламбор Конституция талаблари ва меъёрлари онгимизга сингиши керак.

Бунга эришиш учун нималар қилишимиз лозим? Авваламбор, ўз устимизда ишлашимиз керак, иймон-эътиқодимизни мустаҳкам қилишимиз зарур. Жамиятимизда одамийлик хусусиятларини барқарор этишимиз керак. Нима учун курашаётганимизни чуқур англаб олишимиз даркор.

Беш-олти йиллик тажрибамиз кўп нарсаларга кўзимизни очиб берди. Кўп тарбия берди. **Агар мендан: «Мана шу беш-олти йиллик мустақил ҳаётимиз бизларга нима берди?», деб сўрасалар, мен одамларимизнинг маънавий қиёфаси ўзгарди, уларнинг маънавий бойлиги, миллий онги, сиёсий савияси кўтарилишига эришдик, деб айтардим.**

Бугунги оддий фуқаромизни 1990-1991 йиллардаги фуқаро билан қиёсласак, улар орасидаги фарқ жуда катта. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам, ҳар қандай тирноқ остидан кир қидирувчилар ҳам, агар озгина виждони бўлса, ҳақиқатни тан олса, бу ҳақиқатни инкор қила олмайди.

Биринчи навбатда ёшларимизнинг, фарзандларимизнинг бугунги замон, бугунги жаҳон талаблари ва андозаларига ҳар томонлама жавоб берадиган билими ва савияси, шу билан бирга, аждодларимизга хос миллий ғурур, инсоний қадр-қимматимиз, ориятимиз юксалиб бораётганини кўриб, одамнинг кўнглида чексиз ифтихор ва эртанги ҳаётимизга, эл-юртимизнинг фаровонлигига сўзсиз ишонч уйғонади.

Ҳар кунлик ҳаётимизда мана шундай билимли, бамаъни, одобли, эл-юрти ғами ва ташвиши билан яшайдиган, жонини қуйдирадиган ёшларимизни кўриб, ҳар қандай одам ҳам яйраб кетади.

Иймоним комилки, бугун биз бошқаларга нисбатан моддий нуқтаи назаридан унчалик бой бўлмасак ҳам, фарзандларимизнинг онгида, қалбида бугун жой топаётган, мужассамлашаётган маънавий бойлик ва инсоний фазилатлар жамиятимизнинг энг катта бойлиги бўлиб, эртанги кунимизнинг, фаровон ва эркин ҳаётимизнинг гаровидир.

Мана шу юксак минбардан туриб, ана шундай комил ўғил-қизларимизга таълим-тарбия бераётган ота-оналарга ва мураббийларга офарин айтиб, чуқур таъзим қилишга ижозат бергайсизлар.

Агар дунёда энг мураккаб, шу билан бирга, энг масъулиятли касб нима деб сўрашса, мен мана шу фурсатдан фойдаланиб, ота-оналик, мураббийлик деб айтган бўлардим. Нега деганда, бунинг масъулиятини, бунинг оқибатини тушуниш керак, англаш керак.

Жамият ўзининг эртанги кунини қандай тасаввур қилади. Биз авваламбор, ўсаётган фарзандларимиз, мана шу вояга етаётган болаларимиз орқали эртанги кунимизни кўз олдимизга келтиришимиз керак. Кундалик ташвиш, ҳар хил арзимайдиган тортишув, эскидан қолган интилишлар, носоғлом гердайишлар орқасидан бир нарсага эътибор бермаймизки, кундалик ҳаётимиз ташвишлари эртанги кунимизга соя солмаслиги, бекитмаслиги керак.

Икки-уч енгил машина, ҳашаматли уйлар, иморатлар ва жиҳозларга эга, кийиниши зўр, савлатидан от ҳуркадиган одам бой эмас. Мендан энг катта бойлик нима деб сўрашса, билимли, ақлли, одобли, эртанги кунини ўйлайдиган фарзанд ота-онанинг энг катта бойлиги деб айтган бўлур эдим. Бундай бойликка эга бўлганларни жамоа бой-бадавлат ота-она, бой-бадавлат оила деб тан олади. Бундай оила ҳеч қачон хор бўлмайди.

Бугун яхши тушунамизки, кўзланган марраларимизга етиш йўлида ҳали кўп ишларни бажаришимиз, кўп муаммоларни ечишимиз керак.

Мен бугун мана шу борадаги бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Сўз оила ҳақида, унинг жамиятимизда, ҳаётимиздаги роли, ўрни ҳақида бормоқда.

Ўзбекистон Конституциясида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», деб ёзилган.

Шу Конституцияни ёзишда ўзим ҳам иштирок этганман, унга ўзимнинг билимимни, керак бўлса, бутун борлиғимни берганман. Бу сир эмас.

Мен ҳозир айтардимки, «...ҳуқуқига эга» дегани сал юмшоқроқ айтилган. Унинг ўрнига, оила жамиятимизнинг асосий бўғинидир. Оила жамиятимиз ва давлатимиз муҳофазасида, ҳимоясида бўлиши шарт, деб ёзардим. Нега деганда, бугунги замон шуни тақозо этяпти, бизнинг кўзимизни очиб, ҳаётга бошқача қарашни талаб қиляпти.

Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак наслар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор.

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир.

Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар:

Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланган.

Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало кўз ўнгимизда она сиймоси шаклланади. Нима деганда оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил — она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру муруввати, садоқати ва вафодорлигидир.

Инсон табиати, феъл-атвори гўдаклигидан шаклланар экан, миллий дунёқараш ҳам бола вужудига она сути билан киради.

Мана шунга алоҳида эътибор беришингизни илтимос қилмоқчиман: табиийки, она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради.

Буларнинг моҳиятини ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, оилага эътиборимизни тубдан ўзгартириш, оилаларни аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш — бугунги кунимиз учун ва эртанги истиқболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор.

Менинг таклифим — 1998 йилни Оила йили деб эълон қилсак, ҳар томонлама олижаноб иш бўлур эди.

Оила, унинг муаммолари, унинг иқболи ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз эътибори марказида бўлиши керак.

Ўйлайманки, биз ҳукуматимизга, жойлардаги ҳокимиятларимизга ва бошқа мутасаддиларимизга бу масала бўйича 1998 йилга муносиб дастур ишлаб чиқишни топшириб, унинг бажарилишини назоратга олсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Азиз юртдошлар!

Мен яхши тушунаман, албатта янги йил арафасида 1998 йил бўйича кўрилаётган режалар бизга нима енгиллик олиб келар экан, деган савол кўпчиликнинг хаёлида бўлиши — бу табиий ҳол.

Бир нарсани очиқ юз ва катта ишонч билан айтишимиз мумкин: охирги йиллар бошимиздан кечирган қийинчилик ва синовлар, халқимизнинг ҳалол меҳнати ва шижоати, давлатимизнинг, иқтисодимизнинг тўхтовсиз ва барқарор ривожланиши учун пухта замин яратди.

1998 йилда иқтсодимизнинг ўсиши 1997 йилдан кам бўлмасдан, унинг суръатлари 5-6 фоизни ташкил қилади.

Авваламбор, шунинг ҳисобидан кўпгина ижтимоий муаммоларимизни ечишга, одамларимизнинг ҳаёт даражасини яхшилашга имкон яратилади.

Ўзгаларга ўхшаб қуруқ ваъда бермасдан, бир нарсани аниқ айтишим мумкин: 1998 йилда маошлар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа давлат тўловлари тахминан икки баробар ўсади.

Халқимизга қуруқ ваъдалар керак эмас. Бизга амалий, ҳақиқатан ҳам одамларнинг ҳаёти даражасини кўтарадиган ишлар керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун ҳаётимизда катта-катта ижобий ўзгаришлар бўлаётганини ҳеч ким инкор қила олмайди.

Албатта, ҳаммамизнинг истагимиз — қани энди бундай ўзгаришлар кўпроқ ва тезроқ бўлса. Лекин, минг афсуским, биз кўзлаган марраларга етишиш учун озми-кўпми вақт керак экан.

Ва яна бир муҳим шарт — қани энди бепарво, бефарқ, боқибеғам одамлар сони камайса, фидойилар, жонкуярлар сафи кўпайса ҳар бир инсон ва биринчи навбатда мансабдорлар ўз жойида ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилса ва ўз бурчини виждонан бажарса... Унда олам сўзсиз гулистон бўларди.

Мен ишонаман, бугун амалга ошираётган барча эзгу ишларимиз мана шундай кунларнинг ҳаётимизга тезроқ келишига асос солади.

Ҳар доим мен учун, ўйлайманки, бошқа раҳбарлар учун ҳам энг катта бойлик, энг катта шараф — у ҳам бўлса, сизнинг ишончингиз, халқимнинг менга қаратилган очиқ чеҳрасидир.

Илоё, эл-юртимизни ёмон кўздан асрасин, ёру биродарлар, қон-қариндошларимиздан айирмасин, қарияларимизга узоқ умр, ёшларимизга куч-қувват ва ғайрат, хонадонларимизга қут-барака берсин.

Оллоҳнинг ўзи барчамизни ўз паноҳида асрасин!

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига

ИСТИҚЛОЛ ҚОМУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«катта оғалар юрти» — Москвага тобе этиб қўйилганлиги барчага маълум эди.

Таъкидлаш жоизки, улар жамиятимизнинг бутун борлиғини, барча сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий жабҳаларини бошқарувчи дастаклар, механизмлар ўша собиқ марказга хизмат қилишга мосланган, СССР Конституциясининг айнан кўчирилган андозаси эди, холос. Ўзбекистондек тарихий илдизларга эга бўлган мамлакат аҳли, миллатининг иродаси, хоҳиши билан ҳисоблашиш ҳақида тасаввур ҳам йўқ эди.

Мустақиллик туфайли яратилган Қомусимиз биринчи бор ўзбек халқининг тўла хоҳиш-иродасини ўзида акс эттирди. Демократик асосларда, ўз юртининг эгасига айланган аҳоли, мамлакат Президенти И. Каримов йўлбошчилигида барча эзгу-ниятли кишилар ҳамдам-ҳамнафас бўлиб ўз давлатининг Бош Қонуни — Конституциясини ишлаб чиқишга киришдилар. Бинобарин, ўз хоҳиш-иродасини билдириш учун аҳолининг барча қатламига тенг ва эркин имкониятлар, шароитлар яратилди.

Жаҳон конституциячилигининг энг яхши, ижобий жиҳатлари, Ўзбек давлатчилиги тарихи, маънавияти, анъаналари тарихи чуқур ўрганилди. Натижада, юртбошимиз таъбирлари билан айтганда «ўзига хос тараққиёт йўлини танлаган» Ўзбекистонимизнинг, ўзига хос ва мос Конституцияси дунёга келди. 1992 йил 8 декабрида мамлакатимиз парламенти — халқимизнинг мухтор вакиллари бир овоздан уни маъқулладди ва Қонун устуворлиги таъминланган эркин фуқаролик жамияти сари йўлимизда маёқ сифатида муборак қурол — Бош Қонунимизга эга бўлдик.

Бугун ўша ҳисҳаяжонга тўла кунларга беш йил тўлганлигини нишонлаяпмиз. Ҳар бир вазирлик, тармоқ, соҳа, қоларверса, ҳар бир фуқаро беш йиллик давр — Конституциямиз йўл бошлаб келаётган вақтга назар ташламоқда, ўзига хос ўлчовлари орқали ҳисоб бермоқда.

Конституциямизга таъриф берар эканлар, йўлбошчимиз И. Каримов шундай деган эдилар: **«Бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Конституцияда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи—инсон деган фикр илгари сурилди».**

Дарҳақиқат, илгариги шўро даври Конституцияларидан фарқли ўлароқ, янги Конституциямизда инсон, унинг шуури, қадри энг олий қадрият деб тан олинди ва инсон омили биринчи даражага кўтарилди. Шунинг ўзигина Қомусимизнинг инсонпарварлик, фуқаропарварлик қудратидан далолат беради. Табиийки, республикамизнинг барча соҳа, тармоқ жабҳаларини бошқариш лозим бўлган қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция талабларига, руҳига, йўналишига мос ҳолда бўлмоқда. Қабул қилинган қонунларимиз инсон манфаатларига хизмат қилишлиги билан конституциявий қонунлар сафини тўлдирди ва инсон омилига хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, халқимизнинг орзу-ниятлари амалга ошмоқда. Азалий қадриятларимизни қайта таниб бошладик. Асрий анъаналаримиз юрт бағрига қайтмоқда. Элимиз ўз тупроғи — бойлигининг эгасига айланди. Келажакка бўлган ишонч сарҳадлари юксалмоқда. Эл ўз юртбошисига, Конституциясига, Қонунларига суянмоқда, уларни қўлламоқда, ҳимоя қилмоқда. Айни пайтда, худди шундай акс таъсирни ҳам ҳар дақиқада ҳис этмоқда. Фаровонлик, бахт йўлини, яратувчилик ва ижодкорлик кафолатларини вужуддан англаб етмоқда. Буларнинг барчаси Конституциямиз ишлаётганлиги натижасидир. Конституция фарзандлари — қатор ҳаётий муҳим қонунларимиз Конституциямизни тўлдирмоқда, мадад бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 38-МОДДА

Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

Булардан халқимиз ҳар қанча мағрурланса арзийди. Чунки энг муҳими — ўзликни англашни Конституциямиз зарварақларидан ўргандик десам, хато бўлмас.

Таъбир жоиз бўлса, мамнуният билан таъкидлар эдимки, Конституциямизни ишлаб чиқишда, кейинчалик унинг асосида юзлаб қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиб, амалий қўлланмаларга айланишида бизнинг Адлия вазирлигимиз ходимларининг, амалий, ижодий, илмий жамоалар вакилларининг муносиб ҳиссаси бор. Мамлакатимизда ҳуқуқ, адолат ҳукмронлигини таъминлаш йўлида судлар, нотариал идоралар, кўплаб ҳуқуқий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ тармоқларимиз фаолият кўрсатмоқда.

Энг муҳими, ҳуқуқий давлатнинг ҳуқуқий фарзандларини тарбиялаш, давлатни ҳуқуқий бошқариш маҳоратига ўргатиш, жамиятда қонунларга ҳурмат, эъзоз руҳини бунёд этиш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш Миллий дастури» ижросини мувофиқлаштириб боришда ҳам Адлия вазирлиги бош-қош бўлмоқда. Республикамизда кадрлар тайёрлаш бўйича қабул қилинган Миллий дастур асосида Адлия вазирлигига тобе ўқув юртларида ўқув-ўқитув жараёнлари қайта кўриб чиқиляпти. Суд ва адлия тизимида муносиб, малакали кадрлар ишлашлигини таъминлаш борасида ҳам маълум чора-тадбирлар кўраяпмиз. Судлар Ассоциациясини ташкил этишда бошқош бўлдик. Хуллас, бизга, халқимизга ҳуқуқдан, адолатдан, эркин фуқаролик жамиятидан, ёрқин ва фаровон келажакдан кафолат бериб турган Конституциямиз эъзози йўлида баҳоли қудрат, куч, билим ва меҳнатимизни аямаймиз.

Конституциямиз умрбоқий бўлиши йўлида ҳормагаймиз!

Ғофур БАРНОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

ТУПРОҚДАГИ

Уни йўқотмасак, унумдорликни

Мустабид тузум Ўзбекистон тарихида жуда кўп «Оқ доғ»лар қолдирди. Жумладан, суғориладиган ерларимизнинг ярмидан кўпи ҳар хил даражада шўрланганида, ўша йиллардаги бедодликларга бориб тақалади. Кўп йиллик кузатиш ва маълумотларнинг таҳлилига қараганда коллектор-зовурлар қуришга сарфланган кўпдан кўп маблағлар (пул, моддий-техника ресурслари), ҳар йили шўр ювиш учун сарфланган сув ҳам (миқдори 12—13 км3) кутилган натижани бермаётир. Маълумки, шўрланган тупроқ унумдорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдир. Юртбошимиз бу масалага Сирдарё, Жиззах ва Бухоро вилоятлари халқ депутатлари сессиялари йиғилишида алоҳида эътибор берганлари бежиз эмас.

Сўнгги 20 йил атрофида асосан кам самарадор очиқ зовурлар қурилган Қорақалпоғистон республикасида ўрта ва кучли шўрланган ерлар майдони 38,5% дан 58,4% гача кўпайди. Ҳозирги замон талабига жавоб берадиган зовурлар қурилган Сирдарё, Жиззах вилоятларида шу давр ичида ўрта ва кучли шўрланган ерлар майдони 25,7 % дан 53,7 % гача ошди.

Ҳар хил шароитда ўтказилган кўп йиллик тажриба ва кузатишлар шуни кўрсатадики, мавжуд коллектор-зовурлар суви таркибидаги тузларнинг аксарият қисми тупроқнинг чуқур қатламларида жойлашган заҳиралар ҳисобига шаклланмоқда. Асрлар давомида йиғилган туз заҳираларининг коллектор-зовурлар ёрдамида «кичик биологик моддалар ўзгариши» қонунига биноан ҳаракатга келтирилиб, дарё ўзанлари, пастликларга чиқариб ташланмоқда, оқар сувлар сифатини бузмоқда, қоларверса қўйидаги жойлашган суғориладиган ерларнинг қайта шўрланишига, экологик ва эпидемиологик ҳолатнинг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда.

Сўнгги йилларда суғориладиган ерларда вужудга келган мелиоратив ҳолатни экстенсив деҳқончилик тизими, агротехник ва агромелиоратив тадбирларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги, суғориш шаҳобчалари, коллектор-зовурларни қуришда йўл қўйилган хатоликлар ва қониқарсиз ишлаши, режалаштирилган иқтисод, ишлаб чиқаришни маъмурий-буйруқ асосида бошқариш билан боғлиқ бўлган муаммо деб таҳлил қилинмоқда. Мавжуд маълумотларнинг таҳлили бунга маълум даражада асос борлигини кўрсатади. Лекин, асосий сабаб суғориладиган ва шўрланишга мойил ерларда суғориш, коллектор-зовурлар тизимини техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш, лойиҳалаш ва қуриш атроф-муҳит билан узвий боғлиқлигини инобатга олмасдан йўл қўйилган назарий, услубий ва фундаментал хатолардир.

Маълумки, тупроқ шўрланишига қарши кураш, уни мўътадил даражада бошқаришнинг назарий ва услубий асослари 50—60 йилларда қабул қилинган эди. У даврда сув заҳиралари етарли ва сифатли, коллектор-зовурлар орқали олиб чиқилаётган сизот ва оқава сувларни ташлайдиган ерлар (пастликлар) мавжуд эди. Бунинг ҳисобига дарё ўзанларига коллектор-зовур сувлари ташланмас, оқар сувлар сифати ёмонлашмаган, атроф-муҳит ва экологик мувозанат бузилиши деярли сезилмас эди.

1

Лойиҳаларда қабул қилинган муҳандис-техник ечимлар, тупроқ туз-сув тартибини бошқаришга оид чораларни асослашда мавжуд шароит назарда тутилган бўлсада, яқин келажакда содир бўлиши мумкин бўлган салбий ўзгаришлар башорат қилинмаган ёки назарда тутилмаганди. Йўл қўйилган услубий, назарий камчиликлар суғориладиган ерларга ортиқча сув бериш, коллектор-зовур сувларини пастликлар, дарё ўзанлари қуйи қисмига ташлаш ҳисобига ўтган давр ичида деярли сезилмаган. Коллектор-зовурлар етарли бўлмаган ўтган давр ичида Қорақалпоғистон Республикасида шўр ювиш учун меъёридан ортиқча сув бериш, тупроқнинг устки қисмидаги зарарли тузларни ер ости сувлари таркибига ўтказиш эвазига ўсимликлар учун мўътадил шароит яратилган. Лекин, тупроқ шўрини самарадор меъёр ва усулда ювиш учун далаларда етарли миқдорда зовурлар бўлиши шарт. Бундай шароит Қорақалпоғистон ҳудудида деярли йўқлиги, сув заҳираларининг камайиши сабабли шўр ювишга берилаётган сув миқдори сўнгги йилларда илгарига нисбатан кескин камайиб кетди.

Дарёларнинг ўрта ва қуйи қисмида сув таркибидаги тузлар миқдорининг кескин ортиб кетиши, сув заҳираларининг чекланган ҳолда тақсимлаш, тупроқ тузини ювиш меъёрида сув бермаслик натижасида ўртача ва кучли шўрланган ерлар майдони, айниқса, ер ости сувлари нисбатан чуқур бўлмаган (2,5—3,0 м) ҳудудларда кўпайиб бормоқда. Бу жараённинг кескинлашишига «Ер-сув заҳираларидан ҳар томонлама фойдаланиш тизимида» қабул қилинган қарор, яъни вақтинча вилоятларга ажралаётган сув миқдорини 15 %га камайтирилиши ҳам сабаб бўлмоқда. Мазкур ечим

2

Масалан, бир хил тупроқ-иқлим шароит-

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Яқин Шарққа шу ҳафтада ташриф буюриши муносабати билан Ёсир Арафот Америка Исроилга кучли таъсир ўтказади, деган умид билдирди. «Ассошиэйтед-Пресс» агентлигининг хабарларига кўра, ўзаро келишувларнинг Исроил томонидан бажарилиши учун албатта шундай таъсир зарурдир. Икки мамлакатнинг АҚШ иштирокидаги учрашувида келишиб олинганидек, Исроил ўз қўшинларини Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги ҳудудлардан 1998 йилнинг ўрталаригача олиб чиқиб кетиши керак. Арафот АҚШнинг собиқ Давлат котиби Уоррен Кристофер томонидан ушбу келишувларни бажаришни кафолатловчи хат имзоланганига ишора қиляпти. Мадлен Олбрайт ўтган жума куни Парижда Исроил Бош вазири Беньяминь Нетаньяху билан музокаралар олиб борди. Унинг эртасига эса Фаластин автономиясининг раҳбари Ёсир Арафот билан Женевада учрашди. Худди шу вақтнинг ўзида Исроил радиоси хабар бердики, Исроил мудофаа вазири Ичхак Мордехай ва инфраструктуралар вазири Ариэль Шарон янги таклиф билан чиқди. Уларнинг иккаласи ҳам Иордан дарёси Ғарбий қирғоғининг бир қисми Фаластин ва Исроилнинг қўшма ҳукмронлигида бўлади, деган фикрда. Ҳарбийлар эса Енин, Наблус ва Хеброн шаҳарларидан олиб чиқиб кетилади. Шундай қилиб, Фаластин давлати кичкинагина ҳудудга эга бўлиб қолади. Бироқ унинг нияти каттароқ ерга эга бўлиш.

***

Келгуси йилдан бошлаб Швеция бозорларига янги маҳсулот — пиццанинг ажойиб тури чиқа бошлайди. «Рейтер» агентлигининг хабарига кўра, бу маҳсулот туфайли инсон тезда овқат ейишни тўхтатади. Пицца истеъмол қилиниши билан мияга, «Сен тўйдинг», деган хабар келади. Шунда инсон овқат емаса ҳам ўзини тўқ, деб ҳисоблайди. Ушбу пицца қарийб 200 шведда синаб кўрилди. Натижалар шуни кўрсатдики, тўқлик аломатлари муддатидан анча илгари сезилиб қолар экан. «Маъқултой назоратчи» деб номланган ушбу маҳсулотни Англиянинг «Скоттия Холдинг» компанияси ишлаб чиқди. Яқин келажакда ушбу маҳсулот сутли овқатларга, қандолат, музқаймоқ, пишлоқ, шўрва, шоколад ва бошқа маҳсулотларга ҳам қўшилади.

***

Исроилда миллий миқёсдаги норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда, деб хабар беради «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги. Аэропортлар, темир йўллар, Тель-Авивдаги ҳукумат муассасалари ва фонд биржалари ишламаяпти. 700 мингдан зиёд ишчи миллий меҳнат судининг норозиликни тўхтатиб, ишга қайтиш ҳақидаги қарорини менсимаяпти.

***

Швециянинг «Рюска Постен» газетаси Россия ва Швеция раҳбарларининг олий даражадаги учрашувига яхши тайёргарлик кўрилмаганлигини таъкидлаб ўтади. Россия ва Швеция раҳбарларининг бир-бирларига яқин томонлари бор. Уларнинг иккаласи ҳам партиянинг хўжайинларидан бўлишган. Иккаласи ҳам қандайдир усуллар билан ҳокимиятга қарши курашишган. Демак улар бир-бирига муносиб. Газетанинг фикрича, ташриф давомида айниқса, Борис Ельцин кўпроқ паришонхотирликка йўл қўйди. У матбуот конференцияси давомида Япония ва Германияни ядровий мамлакатлар, деб юборди. Айниқса Ельциннинг мана бу гапи ҳаммани ҳайрон қолдирди: «Биз Швеция билан урушмасликка ваъда берамиз, жуда бўлмаганда мен ҳокимият тепасида турган кейинги икки йарим йил давомида бундай қилмаймиз» деди.

***

Канада пойтахти — Оттавада 125 дан зиёд мамлакат пиёдаларга қарши миналар ишлаб чиқаришни маън этиш ҳақидаги шартномани имзолашди, деб хабар беради Американинг «Вашингтон Пост» газетаси. Норвегия, Канада ва Жанубий Африка юқоридаги келишувга биринчилар қатори имзо чекишди. Ушбу қуролни ишлаб чиқарувчи йирик давлатлар бўлмиш Чехия, Бельгия, Жанубий Корея қатори АҚШ, Россия ва Хитой вакиллари ҳам ушбу қирғин қуролини ишлаб чиқаришни ман этиш ҳақидаги шартномага имзо чекишдан бош тортишди. Ахир бу қурол ҳар 20 дақиқада дунё бўйича битта инсон ҳаётига зомин бўлмоқда-ку. «Миналарсиз дунё» ҳаракати бундан беш йил аввал марҳума малика Диана ташаббуси билан бошланган эди. Энди бутун инсоният дунёдаги энг хавфли қуролга қарши курашиши керак.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 17-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси Халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, қоидаларга ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, у ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

БУ САФСАТА ЭМАС

Бангладешда шундай одам яшамоқдаки, у мана 13 йилдан бери уйқу нималигини билмайди. 60 ёшли Таслим Уддиннинг уч хотини ва 13 фарзанди бор. Доимо муваффақиятли ишлаб келади. Кўриниши ҳам дадил. Хуллас, тўлиқ ҳаёт тарзини кечирмоқда. Уйқусизликдан эса ҳеч қандай азият чекмайди. Уддин 1984 йилнинг қишидан бери ухламайди. Ўшанда унинг оиласида ҳаттагина тантана бўлиб, эрталабга яқин мазаси қочиб қолганди. Кейин эса бирданига тутқаноқ тутди. Уддин ўшандан бери ухламайди. Врачлар эса унга уйқу дориси ва тинчлантирувчи препаратлар бериб кўришса ҳам у барибир ухламади. Бундан ҳамма ҳайрон. Лекин Уддиннинг ўзи қачонлардир бир кун ухлаб қолиши мумкинлигини, бироқ бу абадий уйқу бўлиши мумкинлигини айтди.

***

Малика Диана жамғармаси вакили бўлмиш адвокатлар Диана билан Доди аль-Файед ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги фильмни суратга олишни ман қилишга ҳаракат қилишмоқда. Адвокатларнинг айтишича кўра, фильм ғоясининг ўзи «ўринсиз» ва одоб қоидаларига тўғри келмайди. «Сан» газетасининг собиқ муҳаррири Келвин Мак Кензи эса фильмга продюссерлик қилмоқда. Лекин у цензуранинг камситувчи ҳаракатидан норози бўлаётир. Жамоатчилик фикри қандай бўлишидан қатъий назар Мак-Кензи фильмни ҳоҳ Туркияда, ҳоҳ бошқа мамлакатда бўлсин суратга олиб келгуси йилнинг апрель ойида экранларга чиқаришни мўлжалламоқда. 2,5 миллион доллар маблағ сарфланадиган фильм «Халқ маликаси» деб аталади.

***

Малика Диана ва унинг йўлдоши ҳалокатига сабаб бўлган фожиа маълумки, Париждаги Понт дел Альма тоннелида бўлган эди. Франция полициясининг вакилларининг сўнгги маълумотларига кўра, ҳалокат маст ҳайдовчининг айби туфайли юз бермаган. Тергов натижалари ҳалокатнинг айбдори «Фиат» автомашинасининг ҳайдовчиси эканлигини кўрсатмоқда. Француз полициячилари ҳайдовчининг ҳаракатлари аввалдан мўлжаллаб, яхши тайёргарлик кўриб, амалга оширганлигини таъкидлашмоқда.

ФУТБОЛ ОЛАМИДА

Футбол бўйича жаҳон чемпионати финал мусобақалари бошланишига ҳам жуда яқин фурсат қолди. Барча 32 финалчи аниқлаб бўлинди. Куни кеча Франциянинг Марсельеза шаҳрида жаҳон биринчилиги финал учрашувлари қатнашчиларининг қайси гуруҳда иштирок этиши маълум бўлди. 32 жамоа саккиз кичик гуруҳга бўлинди. Қуръа ташлаш натижасига кўра жаҳон биринчилигининг дастлабки учрашуви 10 июнда Бразилия ва Шотландия терма командалари ўртасида бўлиб ўтади. Чемпионатнинг финал учрашуви эса 12 июлга белгиланган.

***

Яқинда Япония пойтахти Токио шаҳрида бутун дунё футбол ишқибозлари учун ҳаяжонли бўлган учрашув бўлиб ўтди. Унда Европа чемпионалари кубоги соҳиби Дортмунднинг «Боруссия» жамоаси билан Жанубий Америка чемпионлари кубоги «Либертадорес» мукофоти совриндори Бразилиянинг «Крузеро» командаси ўртасида ажойиб мусобақа бўлиб ўтди. Қитъалараро кубок соҳиби бўлиш учун ушбу жамоалар астойдил ҳаракат қилишди. Бразилияликлар ҳужумкорликка зўр беришса-да, ҳимояда бўш ўйнашди. Шу боис германияликлар рақиблари дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритиб, ўйинда ғолиб чиқишди. Шундай қилиб улар қитъалараро кубок ҳамда «Тойота» совринига сазовор бўлишди.

***

Машҳур футбол қироли Пеле (Эдсон Арантес ду Насименто)нинг номини билмайдиган ишқибоз бўлмаса керак. У ўзининг футболдаги ҳаёти давомида миллионлаб ишқибозларга қувонч бахш этган. Бироқ 57 ёшли Пеле ҳозирги пайтда ҳам жаҳонда футболни ривожлантириш, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Шу боис ҳам буни назарда тутган Англия қироличаси Елизавета футбол юлдузи Пелени «Британия империясининг рицарь командори» ва «Сэр» унвони билан тақдирлади.

ХАЛҚАРО ШЕЪРИЯТ БАЙРАМИ

Шоирлар доим нодир асарлар яратиш йўлида муҳаббат бобида ижод қилганлар. Севги ва муҳаббат мавзуси турлича талқин этилади.

Ҳозир ҳам мазкур мавзу шеъриятдаги ўз аҳамияти ва бетакрорлигини сақлаб қолган. Яқинда Деҳлидаги Жавоҳарлал Неру номидаги университетда «Жаҳон шеъриятида муҳаббат мавзуси» халқаро илмий анжумани ўтказилди. Конференцияда муҳаббатнинг замонавий адабий жараёнга ва турли халқлар маданиятларининг ўзаро бойишига таъсири тўғрисида фикрлар билдирилди. Унда АҚШ, Швеция, Бангладеш ва Ўзбекистондан шоирлар, адабиётшунослар ҳамда адабий танқидчилар қатнашдилар.

Икки кун давомида замонавий адабиётнинг ривожланиш йўналишлари, турли мамлакатлар ва даврлардаги шоирлар асарлари шеърий мундарижасининг ўхшашлиги тўғрисида жонли фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Ушбу илмий анжуманда мамлакатимиздан Ўзбекистон халқ шоири Ж. Жабборов ва республикамизнинг етакчи ҳиндшунос-олими Т. Ҳолмирзаевлар иштирок этдилар. Улар ўз маърузаларида Марказий Осиё ва хусусан ўзбек халқининг буюк шеърияти, Шарқ ва Ғарбнинг атоқли шоирлари шеърий анъаналаридаги ўзаро боғлиқлик, шунингдек, Амир Ҳисрав Деҳлавий ва Бобур асарлари мисолида ҳинд ва ўзбек шеъриятининг бир-бирига яқинлиги ҳақида сўз юритдилар.

Илмий анжуман қатнашчилари Навоий, Умар Ҳайём, Низомий ва Петрарка ғазалларидан намуналарни ўз она тилларида ўқидилар. Ушбу катта мушоира билан халқаро шеърият байрами якунланди.

Аслом АКБАРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Деҳли.

ВЕРСАЧЕ ЎЛДИРИЛДИ

Бироқ Голливудда яшайдиган бўлди.

Таниқли итальян моделчиси Версаче шу йилнинг ёзида Майамида ўлдирилган эди. Бироқ у Менахем Голан томонидан ишланган Америка телефильмининг бош қаҳрамони бўлиб қолади.

Модельерни отиб ўлдирган Эндрю Кунэнэн ўз жонига қасд қилгандан сўнг Версаченинг ўлими ҳақидаги фильмни олиш учун режиссёр топилди. Кейинчалик эса бош ролни ижро этиш учун учун актёр ҳам танлашга тўғри келди. Версачега ўхшаб кетадиган Франко Неро унинг образини яратадиган бўлди. Кунэнэн ролига эса Шейн Пардю танланди. Фильм режиссёри барча майда-чуйда нарсаларга ҳам эътибор берди. Ҳатто модельернинг вилласидаги дарвозанинг қандай турганлигига ҳам назар солинди. Қисқасини айтганда қотиллик жараёнини тўла акс эттириш учун барча имкониятлардан фойдаланди. Шу боис ҳам томошабинлар қотилликнинг гувоҳидек бўлиб қолишлари мумкин.

ЎЛИКЛАР ГУВОҲЛИККА ЎТИШИ МУМКИНМИ?

Швейцариянинг Сьон шаҳридаги дафн бюроси хизматчилари ўликлар гувоҳликка ўтолмайди, деб аниқ айтишмоқда. Шу боис ҳам улар марҳумларни қимматбаҳо тобутлардан оддий ёғоч тобутларга ўтказишаётир. Нега? Чунки қимматбаҳо тобутлар яна сотувга чиқарилади. Арзонлари эса крематорияда ўликлар билан ёқиб юборилади. Дафн этувчилар бунинг натижасида бир ярим мингдан икки минг франкгача соф даромад олишади.

Фирибгарлар бундай фойдали бизнес билан етти йил шуғулланишди. Шу даврда юз минглаб Швейцария франклари ишлаб олишди. Бироқ барибир қўлга тушишди. Фирма раҳбари ҳибсга олинди. Унинг икки ходими жиноятчиликда айбланмоқда. Энди дафн бюросидагилар марҳумларнинг тинчлигига путур етказишгани учун қонун олдида жавоб беришга мажбур.

«ОҚ ДОҒ»ЛАР

ошириш мумкин эмас

ли, бир-бирига яқин жойлашган Жиззах вилоятига қарашли хўжаликлар учун (VI гидромодуль тумани) ғўзани мавсумий суғориш меъёри 6100 м3/га бўлса, Сирдарё вилояти хўжаликлари учун унинг миқдори 5000 м3/га. Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилган ерларида (V гидромодуль тумани) ғўзанинг мавсумий суғориш меъёри 4200 м3/га миқдорида қабул қилинган, яъни у Оққавоқ тажриба хўжалигида (Тошкент вилояти) бериладиган сув миқдори (4100 м3/га) билан тенг. Ваҳоланки, Сирдарё вилоятида фойдаланилаётган сув таркибидаги тузнинг миқдори Тошкент вилоятидагига қараганда 3—4 баравар юқори, тупроқ-иқлими шароити бир-биридан кескин фарқ қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ғўза яккаҳокимлиги даврида республикада экиладиган бошқа ўсимликларнинг сув истеъмоли, суғориш меъёри ва тартиби деярли эътибордан четда қолган. Суғориладиган ерларда донли экинлар, айниқса буғдой етиштиришни йилдан-йилга ортиб боришига қарамасдан, унинг суғориш усули, меъёри ва тартиби деярли ўрганилмаган. Шу сабабли унинг ҳосилдорлиги шўрланган ёки шўрланишга мойил ерларда анча паст, сарфланаётган сув миқдори эса маълум эмас.

Суғориладиган ерларда тупроқ шўрланишининг жадаллашиши сабабларидан яна бири, унинг пайдо бўлиш шароитлари (тупроқ-иқлим, ер ости сувлари чуқурлиги, шўрланиш даражаси ва ҳ. к.) ҳар хил бўлишига қарамасдан, барча ҳудудларда тупроқ туз-сув тартибини бошқариш усули, тархи (схема) бир йўналишда, яъни ер ости сувлари сатҳини «хавфли чуқурлик»ка пасайтириш қабул қилинган.

Ер ости сувлари сатҳининг «хавфли чуқурлик»ка пасайтириш учун жуда кўп ётиқ ва тик зовурлар қурилди. Улар таъсирида тупроқнинг чуқур қатламларида асрлар давомида йиғилиб ётган тузлар сувлар таркибида дарё ўзанларига чиқариб ташланмоқда.

Ўзбекистон пахтачилик илмий текшириш институти (УзПИТИ) (Федченко тажриба хўжалиги) САНИИРининг (Хоразм вилояти) кўп йиллик маълумотларига қараганда, ер ости сувларини кескин пасайтирмай уларнинг устки қисмини шўрсизлантириш ва нисбатан чуқур бўлмаган зовурлар ёрдамида ўтлоқи, ўтлоқи-бўз типдош тупроқ ривожланиш жараёнини сақлаб туриш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинса ўсимликларнинг ривожланиши даврида сарфланадиган сув миқдори нисбатан камаяди, тупроқнинг чуқур қатламларидаги тузлар ер юзига чиқарилмайди, дарё сувларининг сифати ҳам бузилмайди.

Тупроқ ва дарё сувларининг шўрланиш даражасининг ортиб бориши мавсумий суғориш меъёрини нисбатан ошишини, айрим ҳудудларда унинг миқдорини илдиз тарқаган қатламда йиғилган тузларнинг ювишини назарда тутган ҳолда белгилашни (Мирзачўл, Жиззах, Қарши, Хоразм, Қорақалпоғистон) талаб қилади. Аммо сув таңқислиги, уни чекланган ҳолда тақсимлаш, ёмонлашиб бораётган экологик тангликни назарда тутмасдан бу тадбирни амалга ошириш жуда мураккаб ва қийин.

Ҳозирги шароитда шўрланишга қарши кураш усули, чораларини лойиҳалаш, ер сув заҳираларидан унумли фойдаланиш асосида ҳудуддаги экологик вазиятни тиклаш, экотизм мувозанатини сақлаб қолиш асосий тамойил бўлиши шарт. Суғориладиган ерларга берилаётган сув миқдорини камайтириш тупроқ унумдорлиги пасайтирмаслиги, атроф-муҳитга салбий таъсир этмаслиги керак. Бунга эришиш учун суғориш даврида дала текис намланиши, шўр ювилганда асосан тупроқнинг ўсимлик илдизи тарқалган ва ер ости сувларининг устки қисмидаги туз миқдори экинларга зарар қилмайдиган даражага камайтиришга эришиш зарур.

Суғориш даврида далаларнинг текис намланишига эришиш, сувдан фойдаланиш коэффицентини 0,90—0,92 га етказиш учун ҳозир амалга оширилаётган суғориш техникасини, ташландиқ (оқава) сувлардан фойдаланиш тартибини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Экинларни суғориш тартиби ва техникаси зовурларга сизиб чиқаётган сув миқдорини имкони борича камайтиришни таъмин этиш керак. Бунинг натижасида коллектор-зовурларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишга сарфланаётган маблағ камаяди.

Зовурлар орқали чиқаётган сизот сувлар миқдори шўр ювиш, экинларни суғориш даврида ҳосил бўлган ортиқча тупроқ эритмаси ҳисобига шаклланиши, унинг шимилиши тезлиги, ўсимлик сув истеъмоли жадаллиги билан тахминан бир хил бўлганда илдиз тарқаладиган қатламдаги сув-туз тартибини мўътадил ҳолатда сақлаш мумкин. Бундай вазият ер ости сувлари ва зовурлар нисбатан чуқур бўлмаганда содир бўлади. Ер ости сувлари юза жойлашганда шўр ювиш ва суғориш даврида уларнинг шўрланиши тезлашади, зовур сувларининг шаклланишида тупроқнинг чуқур қатламдаги туз заҳиралари деярли қатнашмайди.

Юқорида баён қилинган назарий тамойиллар республиканинг айрим туманларида кўп йиллар давомида олиб борилган кузатиш ва ўтказилган тажрибалар натижасида тасдиқланган.

Олим муаммо қўяди

О. РАМАЗОНОВ,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор,
В. НАСОНОВ,
геология -минерология фанлари номзоди, доцент.
А. АБИРОВ,
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим.

ЮЗ РАК

Жаҳон кино юлдузлари

Француз кино санъатининг жаҳонда ўзига хос ўрни бор. Кўплаб истеъдод соҳибларига эга. Ани Жарардо шулардан бири. Одатда кино актёрлар ҳақида фикр юритганда «Кинога қандай кириб келган?» — деган савол қўйишади. Ани-чи?

У кино оламига театр саҳнасидан келган ижодкор. Чунки Ани болаликдан театрни яхши кўрарди. Театрда актриса бўлишни орзу қилар, яна куйлашни ёқтирарди. Бинойидек овози устидаям машқ қилишдан чарчамасди. Шунданам у консерваторияни тугатгач, тўғри театрда ишлай бошлади. У ўз қобилиятини ёрқин намоён этишга ҳаракат қилар, тинимсиз машқ, қарама-қарши образлар устида ишларди. Каттакичик роллари уни тезда театр оламида машҳур қилиб қўйди.

Жаҳон кино тарихига аҳамият берсангиз, ҳар даврнинг ўзига хос «русум»ларини кузатасиз. Маълумки, 1950-60 йилларда жаҳон кино режиссёрлари машҳур қўшиқчиларни ролларига зўр бериб таклиф эта бошлашганди. Испан актрисаси Сара Монтель шу тариқа кинога келиб қолганди. Ёки Жан Бильмандо-чи? Ноёб истеъдод соҳиби Бильмандо театрнинг «гули» бўла туриб, кинонинг «юлдузи»га айланди. Ани ҳам худди шундай актрисалар сирасидан. Театр саҳнасидан кинога «сакраган» десам ноўрин бўлмас.

У илк ролини 1956 йилда суратга олинган «Рокки ва унинг акалари»дан бошлганди. Фильмда Ани бош қаҳрамонни ўйнади. Анининг Надяси «энг яхши» роли десам хато бўлмайди. Қаҳрамонининг руҳий ҳолати ўша пайтдаги Анининг ички кечинмаларига жуда ўхшаб кетарди. Албатта, роль бироз маҳзун, лекин ўта таъсирли чиққан. Шундан сўнг продюссерлар актрисани пайдар-пай бирга ишлашга таклиф этиша бошлади. «Аёл ва эркак», «Инсон бўлиб яшаш» ва бошқа қатор киноларда муваффақиятли суратга тушди.

Холливуд юлдузларидан аксарияти ўз умр йўлдошларини кинодан «топган» ва «йўқотган»дирлар. Актёрларга хос ҳаёт тарзи бу. Ани ўта жозибали аёл. Ташқи кўриниш, албатта, етакчилик қилади актёрликда. «Инсон бўлиб яшаш»да суратга туша туриб Ани ўз тақдир юлдузига рўбарў бўлганини англади. Картинанинг мазмуни севги, ҳижрон, хиёнат, садоқат, алданиш, умуман — чуқур руҳий ҳолатлардан иборатдир.

Ани Жарардонинг актёрлик фаолиятида ушбу фильмнинг роли катта бўлди. Ўзининг таъкидлашича, «Шахсий ҳаётимни қайта «ўйнадим» деганди бироз тушкун кайфиятда. У яратган образларни баъзида «ғамгин» дейишади. Мен бу фикрга қўшилолмайман. Маълумки, юлдузларга кўплаб ролларни таклиф этишади. Аммо актёрлар гоҳида ўз ички кечинмалари таъсирида «шу роль менбоп» дея ёққанини танлашади, шекилли.

Биз юлдузларни бош ролда кўришга ўрганиб қолганмиз. Анига «Ғариблар» фильмида иккинчи даражали ролни беришганда олдинига бундай бетакаллуф продюссердан Анидек машҳур юлдузнинг кўнгли ранжиган бўлишини тўғри тушунса бўлади. Аммо Жан Бильмандодай юлдуз билан бирга ўйнаш ҳамма аёл актриса учун ушалмас орзу ҳам эди-да. Шунданми, соҳибжамол Ани бу фильмда «шунчаки» ўйнамаган. Бор-борлиги билан ролга «шўнғиб» кетган. Истеъдодининг кўп қирраларини шу биргина кичкина ролдаям ярқ этиб оча билган. Маромига етган бу образини танқидчилар яхши кутиб олишганди. Ани яна шуҳрат поғонасининг битта пиллапоясидан юқорилади. Ани шу фильми учун Цезарь мукофотига сазовор бўлди.

Жарардо кино оламида ўз ўрнини мустаҳкам туриб ҳимоя эта оладиган ижодкор. Унинг ижодида ўткинчи роллар йўқ. Ани кинода юздан ортиқ образлар яратган. У иштирок этган фильмларнинг жуда кўпини кўрганман, кузатганман. Ҳар бир образи нимаси биландир «ўзини» эслатади. Эсимда қайсидир учрашувда Ани кўзларига ёш олиб: «Ўша аёлларнинг ҳар бирида юрагимнинг бир парчаси узилиб қолгандек туюлади. Ҳар қайсисининг тақдири, қисмати қалбимнинг бир торини чертгандек. Улар менинг ўзим...» деганди. Нақадар самимий, ҳаққоний баҳо берганди у ўз-ўзига ўшанда.

Юлдуз бўлиш осонмас. Юлдузларнинг шахсий ҳаёти бироз мураккаб кечади. Тақдир чорраҳаларида кескин бурилишлари кўпки, Анидек машҳур кино юлдузи қалбан ёлғиз яшаши ҳам шу «кескин бурилиш»лар натижаси бўлса ажабмас.

Сўз бошимда Ани театрдан кинога кириб келди, дедим. Лекин кўплаб машҳур юлдузлар вақт айланиб яна театрга қайтишади. Жаҳон кино юлдузи Жан Бильмандо ҳам яна театрда ўйнай бошлади. У Анини бир неча бор яна театрга қайтишга даъват этди. Ани Жарардо қувлик билан «Қайтаман. Аммо театрда роль танлай олмайсан. Кинода-чи? Кинода бу имконият бор», дейди. Тўғрисиям шу. Лекин Ани Жарардонинг яна театрга қайтиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Машҳурлик бир қарашда жуда ёқимлидек. Баъзида машҳурликнинг, юлдузликнинг юки бор деймиз. Тўғри. Ани эса юлдузли онларининг руҳи билан яшайди. Юзлаб образлар... Ҳар бирида муҳрланган муштидек юрак! Юз юрак!

Ҳа, Анининг Надяси, Мария, Анна... Уларнинг ҳар бирида Анининг ўзи яшайди.

Саида БОНУ.

ЎЗБЕКДАН ЧИҚҚАН ЧЕМПИОН

Спорт

Ўзбекистон спортчиларининг халқаро мусобақалардаги мавқеи тобора ортиб бормоқда. Польшанинг Гданск шаҳрида кикбоксинг бўйича ўтказилган ўн биринчи жаҳон чемпионати натижалари ҳам буни тасдиқлади. Дунёнинг 54 давлатидан 600 га яқин спортчи иштирок этган мазкур мусобақада етти нафар Ўзбекистон вакили юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Тошкентнинг «Биллур» клуби аъзоси Олмос Юсуфов 71 килограмм вазн тоифасидаги барча беллашувларда ғолиб чиқиб, чемпионатнинг олтин медалини қўлга киритди. Жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган юртдошимиз шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, Давлатимиз мадҳияси янгради. Спортчиларимиздан Акмал Зокиров ва Эркин Қуттибоев ўз вазн тоифаларида чемпионатнинг кумуш ҳамда бронза медалларига сазовор бўлдилар. Шавкат Ўроқов, Дилшод Сафометов, Владислав Резник мусобақанинг чорак финалига чиқиб, мухлисларни қувонтирди.

Кикбоксинг ишқибозлари Олмос Юсуфовни яхши билишади. У икки йил муқаддам Киевда ўтказилган жаҳон биринчилигида ҳам олтин медални қўлга киритиб, шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилган эди. Моҳир спортчи Гданскда ҳам энг кучли эканини исботлади. Ҳамюртимиз дастлабки босқичларда Хорватия ва Словакия чемпионларини очколар бўйича мағлубиятга учратган бўлса, ярим финалда германиялик рақиби устидан тўла ғалаба қозонди. Ҳал қилувчи учрашувда эса норвегиялик Европа чемпиони Кристиан Томасдан қўли баланд келди.

Омад ҳамиша ёр бўлсин, Олмос!

(ЎзА).

Тилаб МАҲМУДОВ

ЎСАР ОВЧИ

(Қоравой тоғам ҳикояси)

Ўсар овчининг бўйни чайнаб ташланган, Соғ кўзи ҳам косасида йўқ эди.

«Бурун Хумсон қишлоғида қиш эрта тушиб, кеч кўтариларди. Айни чиллада кўчаларда от-улоқ ҳам юра олмас, азбаройи қор кўплигидан одамлар кўчадан кетаётганини ҳам, том-бўғотларда юрюмиб олади, сен қайси кўзингни юмасан, яна соғини юмиб бировни отиб қўйма», деб ҳазиллашса, «Замон кўтарса сени кўзимни юммай отиб ташлардим» деб жавоб қиларди у.

Ўсар чақалоқ пайтида қишлоққа катта йўлбарс оралаб қолган. У учраган итларни ғижимлаб улоқтириб, бамайлихотир томдан-томга ўтиб юрганда одамларнинг капалаги учиб, ким қаерни пана топса шу ёққа қочиб қолган, уйларининг ичидан тамбалаб чурқ этмай ўтиришган. Шунда Ўсарнинг онаси йўлбарсни кўриб, боласини бағрига босганича бўғотнинг тагига яширинган. Йўлбарс бўғот устидан гурс-гурс топгунча қиш ҳам тугади. Бўри болалайдиган пайла эди, у эрта саҳардан Мингбулоқ томонга жўнади. Овчилар қайси ҳайвон қаерда тунаб, қаерда юришини яхши билишади. У ёнғоқзор, арчазорлардан ўтиб, харсанг тош, қояларнинг бағридаги ўнгурлар, ғорларга разм солди. Мингбулоққа етай деб қолганда катта япаски қора тошнинг ёнида бир нима қимирлагандай бўлди. У аввал тулки деб ўйлади, кейин қоқ тепасида турган дўлана томонга бошини кўтарувди дўлана соясида унга қараб турган кўкимтир бўри лип этиб ўзини панага олди. «Ҳа, баччағар, шу ерда экансан-да», деди Ўсар овчи милтиғини елкасидан қўлига олиб. У қора тошни айланиб ўтаётганда тошнинг қояга ёпишган жойида қозоннинг оғзидай тешикни кўриб қолди. Тешикнинг олдида майдачўйда суяклар ётарди. Ҳаммаёқ жим-жит. Мингбулоқ устидан салқин шабада эсиб турар, ҳатто қушларнинг сайраши ҳам эшитилмас эди. Ўсар овчи энгашиб тешикка қаради. Қоп-қоронғу жойда нимадир қимирлагандай бўлди. Бироздан сўнг ичкарида овоз чиқармай унсиз ириллаб тишларини қайраб турган бўри болаларини кўрди. У милтиқ учи билан бўри боласини чалғитиб турди-да бир қўлини секин чўзиб унинг елкасидан маҳкам ушлади. Ана шунда бўри боласи жон-жаҳди билан инграб, важиллай бошлади. Барибир у бўри боласи эди, итваччаларга ўхшаб акилламади, чинқирганини ҳам билолмас эди. Гоҳо лип этган қўшдан эриган узун-калта сумалаклар ташвиш келтирар, бирор одамнинг бошига тушиб кетмасин, деб белкурак ё хода билан уларни уриб-уриб синдирардилар.

Қор кўп ёғса нафақат чорвага, тоғу тошлардаги ҳайвонларга, қуш-қумурсқаларга ҳам қийин бўларди. Тоғдаги какликлар пастлаб қолар, дарё, булоқларга яқинлашиб ўзини-ўзи тутиб берарди.

Кеч кузда қалдирғоч, лайлак, турналар иссиқ жойни кўзлаб кетиб қолишса, каклик, чумчуқлар тобора одамларга яқинроқ бўлишга интиларди.

Бўрилар ҳам одамлар томон жилиб қолади. Фарқи шундаки, улар қанчалик хонадонлар атрофида изғишса, шунчалик қақшатиб кетарди. Ўша йили қишлоқнинг чеккасидаги молхоналардан анча қўй-эчкилар бўғизланди. Одамларнинг тинчи бузилди, ҳатто кечаси ҳовлида эски кўрпачаларга керосин қуйиб, ё тўнкаларни қалаштириб ёқиб қўйиш одат бўлди. Ийқу — ўлим билан баробар деганларидай, ҳарқалай, гулхан ёқилган хонадонга бўри яқинлашмас деган ниятда шундай қилардилар.

Ўсар овчи қишлоқнинг «Тош отар» овулидан, ҳовлиси Боғ маҳаллада Ўгам дарёсининг ўнг қирғоғида эди. Овчилик унга ота мерос. Қишлоқдагилар «Бу хонадонда болалар қўлида милтиқ билан туғилади» деб ҳазиллашар эди. Ўсар овчининг бир кўзи йўқ. Кўз ўрнида кичкина чўқурча бўлиб, ҳамқишлоқлар «Ўсар киши милтиқ отаётганда бир кўзини юриб келиб худди Ўсарнинг онаси турган жойдан пастга сакраганда унинг орқа оёғининг тирноғи Ўсарнинг битта кўзини илиб кетган эди. Она жон ҳолатда боланинг оғзига кўкрагини босиб товушини чиқармай уйга югуриб кирган. Ўсарнинг кўз соққаси йўлбарснинг тирноғида кетган дейишади.

Қонга бўялган чақалоқни кўрган отаси қўшотарини оладию йўлбарс кетидан югуради. Қоравой қассобнинг томида турган йўлбарс мерганнинг икки марта ўқ узишидан кейингина наъра тортиб ҳовлига қулаган. Ўсар овчининг қўшотари отасидан қолган, бехато уради. Бўрилар қишлоқ молларини қийрата бергач, қариялар Ўсар овчига «Бир нима қилсангчи, жуда тинкамизни қуритди-ку, йиртқичлар» деб нолиб қолишди. Бир кечада Ўсар овчининг қўрасидаги қўйлардан нақ учтаси бўғизланган, биттаси хомталаш қилинган эди. Ўсар овчи қиш бўйи бўри пойлади. Бўрилар қайта унинг қўрасига яқинлашмади. Аммо қишлоқда қий-чув ҳам камаймади. Ўсар овчининг ўзи бир неча бор дарёнинг нариги қирғоғидаги ўқ етмас тепаликда каттакон қўнғир бўрини кўп кўрди. Бўри оппоқ қорга бурканган тепаликда икки оёғини тираб ҳайкалдай ўтирарди.

Бир куни бўрига қараб икки-уч марта ўқ ҳам отди. Қўнғир бўри қилт этмай ўтирарди. Ўсар овчининг жаҳли чиқиб, резинка этигини кийди-да дарёдан ўтиб тепаликка кўтарилди. Бўрининг ўрни бор, ўзи йўқ эди.

Ўсар овчи бўрилардан қутилиш йўлини мади, тақдирга тан бергандай Ўсар овчи қопининг ичида жимиб қолди.

Ўсар овчи бўри боласини уйга олиб келди. Отасининг гапини эслади. Агар бўридан қутилмоқчи бўлсанг, — деган эди отаси, — унинг боласини тутиб олсан, орқасини тикиб, бир-икки кун боқсан. Бола эмасми, у нима берсанг еяберади. Чиқиб кетадиган жойи тикилгач, унинг қорни оғриб ғингшишга тушади, қийналади. Кейин уни қаердан олиб келган бўлсанг ўша жойга олиб бориб қўясан. Унинг ҳа, деб ғингшиб, ўзини у ёқдан бу ёққа уришини кўрган она бўри боласини опичлаб тоғма-тоғ кетаберади, кетаберади, боласини эмизиб боқаберади. Бола эса оғриққа чидолмай баттар аҳволга тушади. Бўри боласи минг азоб билан ўлмагунча онасининг елкасидан тушмайди. Бўри эса боласи шу алпозга тушган жойга қайта келмайди...

Ўсар овчи бўриваччанинг орқасини махси ямайдиган йўғон ипда чинқиртириб тикди, кейин Мингбулоққа бориб ташлаб келди.

Кейинги йилларда ёғингарчилик кам бўлдими, ё ҳақиқатан Ўсар овчи тадбири кор қилдими қишлоқ атрофида бўриларнинг қораси кўринмади. Орадан анча вақт ўтиб яна қалин қор ёғди. Ўсар овчи каклик овига бориб қайтмади. Қариндош-уруғлар уни қидириб боришса, Мингбулоққа яқин жойда арчанинг тагидан чиқадиган булоқ олдида унинг жасадини топишди. Ўсар овчининг бўйни чайнаб ташланган, соғ кўзи ҳам косасида йўқ эди.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 8 dekabr, dushanba № 144 (22.227).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan





Узбекистон Республикасининг Конституцияси. 55-МОДДА

Ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликлар, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

ТАНГАЛАР МОЗИЙДАН СЎЗЛАР

Таклиф ва мулоҳаза

Тангашунослик фаннинг мустақил бир соҳасидир. Ёзма ёдгорликлар, тарихий маълумотлар маълум бир шахснинг қарашлари, нуқтаи назаридан дарак берса, тангалар ўзига хос бир ҳужжат бўлиб, тарихий воқеликни, у ёки бу даврдаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳволни акс эттиради. Шу боис,тангалар давлатнинг сиёсий тарихи, ривожланиш босқичлари инъикоси сифатида молиявий ўзгаришларни ифода этади.

Марказий Осиё жаҳон тараққиётининг қадимий ўчоқларидан. Бу минтақа бой давлатчилик тарихига эга. Тангалар эса давлатчилик тарихи билан бевосита боғлиқдир. Марказий Осиё ҳудудида тангалар илк бор Искандар Зулқарнайн даврида, яъни мелоддан аввалги тўртинчи асрнинг биринчи ярмида муомалага киритилган. Ўша даврдан бошлаб бу минтақадаги каттакичик давлатлар ўз тангаларини зарб эта бошлаган. Демак, Марказий Осиёда танга зарб этиш санъати қарийб икки ярим минг йиллик тарихга эга, дейиш мумкин.

Нумизматика — тангалар ҳақидаги фан сифатида бир неча юз йил олдин ривожлана бошлади. XX асрга келиб бу соҳа тез суръатлар билан тараққий этди. Хусусан, Ўзбекистонда охирги 30-40 йиллик археологик қазилмаларда турли даврларга мансуб тангалар топилди. Лекин бу тангаларнинг аксарияти Ўзбекистондан ташқарида — турли музей, архив ва шахсий тўпловчиларда сақланмоқда. Уларни юртимиздан олиб чиқиб кетиш чор Россияси, айниқса, собиқ иттифоқ даврида авж олган. Бундай ташмачиликка ҳозир барҳам берилган дейиш қийин. Чунки тангалар жуда ихчамлиги сабаб уларни олиб кетишда қўл келмоқда.

Таклиф шуки, қадимий тангаларни давлат муҳофазасига олиш лозим. Маълумки, ёзма тарихий меросни сақлаш ишига катта аҳамият берилади. Ўзбекистон Фанлар академияси қошида махсус қўлёзма хазиналари ташкил этилган. Маданиятимиз тарихидан далолат берувчи ашёвий топилмалар Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланмоқда. Қадимий тангаларнинг бир қисми шу ерда ҳам сақланади.

Зеро, Ўзбекистондек қадимий давлатчилик тарихига эга бўлган мамлакатда махсус Нумизматика музейини ташкил этиш зарур кўринади. Чунки, бундай музей нафақат тангашунослик, балки давлатчилик тарихи музейи масалаларини ўрганишга хизмат қилади. Музей фақат қадимий тангалар сақланадиган жой бўлиб қолмай, нумизматика соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориладиган марказга айланарди. Агар «Ўзбекистон нумизматикаси» илмий журнали, альбоми ва каталоглар нашр этилса, тағин яхши.

Музейнинг экспонатларини икки тоифага бўлиш мумкин. Музейнинг биринчи бўлимида қадимги даврдан бугунгача зарб этилган тангалар ўрин олиши керак. Тангалар даврлар ва давлатлар бўйича тақсимланган бўлади. Масалан, биринчи қисмда грек-македон тангалари, кейин грек-бақтрия тангалари, кушонлар, эфталитлар, Турк ҳоқонлиги ва ҳоказо. Экспонатларни Ўзбекистондаги тарихий ва ўлкашунослик музейларидан, Археология ҳамда Ҳамза номидаги санъатшунослик институтларидан ва бошқа жойлардан жамлаш керак.

Музейнинг иккинчи бўлимида бутун жаҳон давлатларининг тангалари жой олади. Унда XX асрга оид тангалардан намуналар сақланади. Бу эса ўзига хос жаҳон давлатчилиги тарихидан дарак беради. Шунингдек, қоғоз пуллар ва қимматбаҳо қоғозлар ҳам намуна сифатида қўйилиши мумкин. Ўйлайманки, бундай жаҳон нумизматикаси тўпламини барпо этилиши тангашунос олимлар ва молия ўқув юртларининг талабалари ҳамда сиёсатшунос, дипломат, сиёсий шарҳловчи, халқаро иқтисодчи, тилшунос, шарқшунос, географлар ва бошқа мутахассислар учун ҳам ғоят фойдали бўлади.

Бўлажак музей албатта, давлат тасарруфидаги ташкилотлар сирасида бўлиб, ўзига яраша ваколатга эгалик қилгани маъқул. Бу, чет эллардаги илмий ва нумизматик ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишда асқотади. Музейни ташкил этишга дахлдор ташкилотлар Молия вазирлиги, Молия академияси, Республика биржаси, миллий, халқаро ва хорижий банклар ва бошқа ташкилотлар таъсисчи бўлиши мумкин. Ўйлайманки, бундай музей ташкил қилинса, тарихий ва маданий меросимизни чуқурроқ ўрганиш, ўзлигимизни янада яхшироқ англаш ва жаҳон тараққиётида халқимизнинг тутган ўрнини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Шамсиддин КАМОЛИДДИНОВ,
тарих фанлари доктори.

АВТОКОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ШАХСИЙ АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«СОВУТГИЧ»

ҳиссадорлик жамияти

барча турдаги автомобиллар учун антифризни ва тормоз суюқлигини чекланмаган миқдорда пул ўтказиш йўли билан сотади.

Антифриз ва тормоз суюқлигининг сифати ва ишончлилигига кафолат берилади. Нархи келишилган ҳолда ва бозор баҳосидан арзон!

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани, Саноат зонаси. Обводная кўчаси, «Равшан» ҳиссадорлик жамияти биносида. Телефонлар: (3712) 47-53-45, 47-03-06.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «ROS BIZNES SERVIS» масъулияти чекланган жамиятнинг думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги НПО «Белуз» фирмаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатағонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир М. МИРФАЙЗИЕВ, навбатчи Х. АБДУЛЛАЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 523 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0808

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА